

А Ж Р И М

2022 йил май ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман суди, Бектемир тумани “Зилола” МФЙнинг биносида сайёр очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси Э.Шамсутдинованинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Носированинг котибалигида, томонлардан Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси С.Насруллаев, судланувчи А.Абдумуталов ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Мирсагатовани иштирокида, Абдумуталов Аброр Абдулманноб ўғлига нисбатан 1-1010-2201/199-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдумуталов Аброр Абдулманноб ўғли (Abdumutalov Abror Abdulmannob o'g'li), 05.09.1998 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Сомонбозор 1-тор кўчаси, 12-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси “шахсий кафиллик” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 5 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, А.Абдумуталов у 2022 йил 04 март куни соат 20:30да Тошкент шаҳар, Бектемир тумани худида жойлашган “Compass” мажмуасининг олдида бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Матякубов Махсудбек Рузимовичга тегишли бўлган 100 АҚШ долларни 1.080.000 сўм миқдордаги миллий валютага алмаштириб беришини айтиб, ишончига кириб, 100 АҚШ долларини олгандан сўнг гўёки 1.080.000 сўм миқдорида пул берганини билдириб, аслида 630.000 сўм пулларни бериб, М.Матякубов пулларни санаб чалғиб турганидан фойдаланиб, қолган 450.000 сўмини ўзлаштириб, воқеа жойидан яширинган ва ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.



Суд мажлисида судланувчи А.Абдумуталов айбига тўлиқ иқроор эканлиги, ушбу қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, М.Матякубовга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи тўлиқ қоплаганлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини баён қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Матякубов ҳозирда судланувчи унга етказилган зарарни тўлиқ тўлаб берганлигини, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз ихтиёри билан ёзиб тақдим қилаётганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, А.Абдумуталовга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд А.Абдумуталов ва М.Матякубовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси С.Насруллаев ва ҳимоячи Д.Мирсагатованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Абдумуталовнинг айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, А.Абдумуталов ва М.Матякубовга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув улар хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168 -моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Абдумуталовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд М.Матякубовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан судланувчи **Абдумуталов Аброор Абдулманноб ўғли (Abdumutalov Abror Abdulmannob o`g`li)**га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.



Эҳтиёт чораси “шахсий кафиллик” ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи М.Матякубовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириш мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Э.Шамсутдинова

-аслига тўғри-

